UNIVERSAL JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES
ISSN 2992 – 8788
https://sr-journals.org/index.php/UJMTCS

УДК:674.8+394.6

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ОРГАНИК СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ.

Назаров А.М доц. Хакимова М.Х доц.
Тошкент давлат аграр университети
nazarov@mail.ru

Аннотация. Ҳозирги замон талабига мос қишлоқ хўжалигини диверсификатсия қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига хос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: “Халқаро тан олинган “ОРГАНИС” стандарти талабларини жорий қилиш”, “Генетик модификацияланган организмлар (ГМО)дан ҳоли минтақалар, “Global GAP”, “Halal” ва “Organic” сифат стнадартларини жорий этиш.

Кириш. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида сифат ва хавфсизликни таъминлаш бўйича кўплаб халқаро стандартлар мавжуддир. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун жаҳонда қўлланилаётган сифат ва хавфсизлик тизимларини ўрганиш ҳамда халқаро тан олинган органик стандарт талабларини юртимизда жорий қилишнинг аҳмиятини ўрганиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Юртимизда Ҳозирги замон талабига мос қишлоқ хўжалигини диверсификатсия қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига хос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида жаҳон мамлакатлари стандартларини қабул қилишга жиддий э’тибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-майдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик ко’рсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини та’минлашга доир қо’шимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-5995-сон Фармони қабул қилинган, унда Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хо’жалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш консепсияси бўйича ё‘л харитаси тузиб олинган ва бундан ташқари бошқа устувор масалалар ҳам келтириб ўтилган.

Шунингдек, Консепсия қуйидаги асосий ё‘налишларни ўз ичига олади:

1. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

2. Сертификатлаштириш, авторизатсия ва аккредитатсия тизимларини шакллантириш.

3. Органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш учун малакали кадрларни тайёрлаш ва

уларнинг малакаларини ошириш.

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорларни ривожлантириш ва экспорт географиясини кенгайтириш.

5. Органик маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш доирасидаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш.

6. Органик ишлаб чиқариш доирасидаги ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар.

7. Органик ишлаб чиқариш тизимларини халқаро тизимларга интегратсиялаштириш.

Органик ишлаб чиқариш маҳсулотларига қўйилган умумий техникавий талаблар:

- Органик ишлаб чиқариш маҳсулотлари ушбу стандарт, ветеринария-санитария, санитария-эпидемиология ва гигиена талабларига ҳамда аниқ маҳсулот бўйича техник регламентлар ва ме'ёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши шарт.
- Органик ишлаб чиқариш маҳсулотлари ушбу стандарт, ветеринария-санитария, санитария-эпидемиология ва гигиена талабларига ҳамда аниқ маҳсулот бўйича техник регламентлар ва ме'ёрий ҳужжатлар талаблари бўйича тамғалаш мувофиқлигидаги муносабатларда ишлаб чиқарилади.
- Исте'мол ва транспорт қадоқлари, қадоқлаш материаллари ва мустаҳкамлаш (бириктириш) воситалари талабларига мувофиқ келиши зарур, уларни тайёрлаш ҳужжатларига мувофиқ яроқлилик муддатининг тўлиқ вақти бўйича транспортда ташиш ва сақлашда органик ишлаб чиқариш маҳсулотларини сифатли ва хавфсиз сақланишини таъминлаши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан алоқада бўлиш учун рухсат этилган бўлиши шарт.

Ҳозирги замон талабига мос қишлоқ хўжалигини диверсификатсия қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига хос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида Органис стандарт талаблари асосида маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижасида амалдаги муаммолар ечими

1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини анъанавий усулда етиштиришда атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири сезиларли даражада ошиб бормоқда.	
	Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ экологик муаммолар
	Чорва ҳайвонлари ва паррандаларининг органик чиқиндиларини сақлаш ўраларининг миқдори етарли даражада эмаслиги, ҳамда улардан фойдаланишда белгиланган талабларга риоя қилинмаслиги инсон ва ҳайвонлар соғлиги учун зарарли микроорганизмларни ривожланишига замин яратиши мумкин
	Минерал ўғитлар ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалардан меъёридан ортиқ фойдаланиш туфайли тупроқдаги пеститсидлар қолдиқларини ме'ёридан ошишига олиб келиши
	Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштириш учун органик ўғитлардан, органик ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш маданиятининг етишмаслиги

	Чорва ҳайвонлари ва паррандаларнинг етиштирилишида белгиланган ме’ёрлардан ортиқ антибиотиклардан фойдаланиш
	Пеститсидлардан фойдаланиш оқибатида экотизимнинг флора-фаунасига етказилаётган салбий таъсирни ошиб бориши ўз ўрнида табиий ландшафтни ўзгартирмоқда

Республикамизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қуйидаги қулай шароитлар мавжуд:

- заҳарли моддалар билан зарарланмаган экин майдонлари;
- томорқа хўжаликларида етиштирилган органик маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида аҳоли даромадини ошириш имконияти;
- органик ишлаб чиқариш бўйича агрокластер, логистика ва кооперация тизимларини ривожлантириш натижасида аҳоли бандлигини ошириш имконияти;
- лабораториялар, назорат ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил қилиш имконияти;
- генетик модификацияланган организмлар (ГМО)дан ҳоли минтақалар.

Халқаро тан олинган “ОРГАНИС” стандарти талабларини жорий қилишнинг асосий тамойиллари

Саломатлик тамойили *– Органик қишлоқ хўжалиги тупроқ, ўсимлик, ҳайвон, инсон ва ўсимликнинг соғлиғини бир ва бўлинмас бўлиб сақлаб туриши ва мустаҳкамлаши керак*;

Адолатлилик тамойили *– Органик қишлоқ хўжалиги умумий атроф-муҳит ва ҳаёт имкониятларига нисбатан адолатни та’минлайдиган муносабатларга асосланиши керак;*

Экология тамойили *– Органик қишлоқ хўжалиги тирик экотизимлар ва цикларга асосланган бўлиши, улар билан ишлаши ва уларни қўллаб-қувватлаши керак*;

Парвариш қилиш тамойили *– Органик қишлоқ хўжалигини ҳозирги ва келажак авлодлар ва атроф-муҳитнинг саломатлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилиш учун эҳтиёткорлик ва масъулиятли тарзда бошқаришкерак*;

Озиқ-овқат маҳсулотларини органик озиқ-овқат деб аташ учун - уни етиштириш ва қайта ишлашда генетик муҳандислик, сунъий ва шунга ўхшаш ўғитлар, пеститсидлар, бегона ўтлар ва фунгитсидлар, ўсиш регуляторлари, гормонлар, антибиотиклар, консервантлар, ранг берувчи моддалар, қўшимчалар, кимёвий қоплама ва оқартирувчи воситалар ва кимёвий қадоқлаш материалларидан фойдаланмаслик керак.

Органик озиқ-овқат ва озуқани ифлослантирувчи моддалар ***2-жадвал***

Зарарли моддалар рўйхати:	
1.Оғир металлар.	7. Поликлоробифениллар.
2. Нитратлар.	8. Ўсимликларнинг ўсиш регуляторлари.
3. Нитритлар.	9. Дори воситалари.
4. Пеститсидлар.	10. Зараркунандаларнинг чиқинди маҳсулотлари.
5. Диоксинлар.	11. Афлатоксинлар ва бошқа микотоксинлар.
6. Бензопиренлар.	

Хулоса. Органик озиқ-овқат бу - уруғдан то ишлаб чиқариш босқичигача бўлган ҳар бир босқичда назорат қилиниши ва бутунлай табиий усуллар билан ишлаб чиқарилиши керак. Бундан ташқари, органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун далага камида 3 йил давомида ҳеч қандай пестицид ва кимёвий моддалар таъсир қилмаслиги керак. Агар бу шартларнинг барчаси бажарилса, ишлаб чиқарилган органик озиқ-овқат маҳсулоти бўлади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 14 мартдаги “Стандартлаштириш, сертификатлаш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги”ги 220-сонли қарори (1-4 илова)
2. Муминов Н.Ш., Абдирайимов А.Р**.** “Органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар” Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДАУ, 2024. 78 б.
3. Абдувалиев А.А., “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” Дарслик “Шарқ” 2018. 607-Б.
4. Парпиев М.П., Назаров А.М. “Стандартлаштириш асослари”. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДАУ, 2020. 78 б.
5.Орипов Р.О. ва бош. Кишлок хужалиги маҳсулотларини саклаш ва кайта ишлаш технологияси. Т.: «Мехнат», 1991.